

ШАРҚ МУТАФАККИРИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ДУНЁҚАРАШИГА ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЛСАФАСИНИНГ ТАЪСИРИ

Дилдора Ахтамовна Ахатова

Шахрисабз давлат педагогика институти

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Шарқ мутафаккирларидан бўлмиш Абу Али ибн Синонинг тарихий манбаларда қайд этилишича, 450 дан зиёд асар ёзган. Афсуски, уларнинг 242 таси бизгача етиб келган, холос. Абу Али ибн Сино илмий меросида фалсафага тегишли асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий қарашлари шаклланишида Арасту ва Форобийнинг таъсири катта. Лекин Ибн Сино фалсафада ўзига хос мактаб яратган бетакрор мутафаккир эканини бутун жаҳон кенг эътироф этган. Исломи таълимотига асосланган Ибн Сино фалсафаси мероси умуминсоний аҳамиятга эга. У ўзидан кейинги нафақат ислом, балки яҳудий ва насроний фалсафий тафаккурига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бундай ўлмас таълимот давр чегарасини билмайди. Демак, у барча замонларда эзгуликка, илм-фан тараққиётига, дунёни англашига хизмат қилаверади.

Калит сўзлар: *Комил инсон, идеалистик концепция, ҳаракатланувчи ва билувчи қувватлар, Афлотуннинг “ғоялар дунёси”, фаол ақл, ақл субстанцияси, космик ақл.*

АННОТАЦИЯ

Согласно историческим источникам, один из мыслителей Востока Абу Али ибн Сина написал более 450 работ. К сожалению, только 242 из них дошли до нас. Работы по философии занимают особое место в научном наследии Абу Али ибн Сины. Аристотель и Фароби оказали большое влияние на формирование его философских взглядов. Но весь мир широко признал, что Ибн Сина был уникальным мыслителем, который создал уникальную школу философии. Наследие философии Ибн Сины, основанное на исламских учениях, имеет универсальное значение. Он оказал большое влияние не только на ислам, но и на иудейскую и христианскую философскую мысль после него. Такое бессмертное учение не знает границ времени. Таким образом, это всегда будет служить добру, прогрессу науки, пониманию мира

Ключевые слова: *Совершенный человек, идеалистическая концепция, движущие и знающие силы, «мир идей» Платона, активный разум, субстанция разума, космический разум.*

ABSTRACT

According to historical sources, one of the thinkers of the East Abu Ali ibn Sina wrote more than 450 works. Unfortunately, only 242 of them reached us. Works on philosophy occupy a special place in the scientific heritage of Abu Ali ibn Sina. Aristotle and Farabi had a great influence on the formation of his philosophical views. But the whole world widely recognized that Ibn Sina was a unique thinker who created a unique school of philosophy. The legacy of the philosophy of Ibn Sina, based on Islamic teachings, has universal significance. He had a great influence not only on Islam, but also on Jewish and Christian philosophical thought after him. Such an immortal teaching knows no bounds of time. Thus, it will always serve the good, the progress of science, the understanding of the world.

Key words: *Perfect man, idealistic concept, driving and knowing forces, Plato's "world of ideas", active mind, substance of mind, cosmic mind.*

КИРИШ

Халқимизнинг ўтмишда яратган маданий меросини миллий истиқлол ғоялари асосида чуқур ўрганиш, маданиятимиз тарихини илмий асосда ҳар томонлама ёритиб бериш ҳозирда жаҳон маданиятининг тараққиёт йўлини тўғри тушунишда, ҳар бир халқнинг бу маданият хазинасига қўшган ҳиссасини аниқлашда, халқларнинг маънавий қобилияти, маданий имконияти жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринган таълимотларни фош этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, маънавий меросни, жумладан, ўтмишдаги илғор мутафаккирларнинг ғоявий дунёси, уларнинг маданият тарихига қўшган улкан улушини илмий ёритиш миллий ғоя ва мафкуранинг чуқур тарихий илдизга эга эканлигини, унинг мустаҳкам тарихий фундаментга асосланганлигини исботлашда ҳам зўр аҳамият касб этади.

Бир жиҳатдан айнқса, маданий тараққиётга улкан ҳисса қўша олган буюк шахсларнинг маънавий дунёси, фикрий интилиши, мақсадини тўғри илмий асосда талқин этиш муҳим роль ўйнайди, чунки улар ижодида маълум бир даврнинг ютуғи, замонанинг, катта бир гуруҳнинг ўйи, фикри-зикри ўз ифодасини топган бўлади.

Ибн Сино (980-1037) илм-маърифат хазинасига улкан ҳисса қўша олган сиймолардан эди. У ҳақиқатда ҳам катта бир даврнинг – ўрта аср маданияти ривожининг ютуқларини ўз ижодида мужассам эта олди [4:22-бет]. Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари асосан “Ахлоқ илмига доир рисола”, “Бурч тўғрисидаги рисола”, “Нафси покиза тутиш ҳақида рисола”, “Адолат ҳақида китоб”, “Турар жойдаги тадбирлар” сингари асарларида ва замондошлари билан олиб борган мунозара-ёзишмаларида ўз аксини топган[2:73-бет]. Аллома

тасаввуф фалсафаси ва тасаввуфий ахлоқшуносликка доир кўплаб асарлар ёзган. Бу борада унинг машҳур “Рисолаи фил-ишқ” асари диққатга сазовордир. Ундаги асосий муаммо – комил инсон масаласи. Ибн Синонинг фикрига кўра, Яратганга муҳаббат одамни инсон зоти қобил бўлган комиллик даражасига олиб чиқади [1:147-бет]. Яъни руҳнинг қўйи кучлари ва қисмлари унинг улуғвор ва олижаноб кучлари ҳамда интилишлари билан яқинликда бўлиб, улар таъсирига тушиши натижасида фазилат касб этади [4:22-бет]. Биз ҳақиқатда ҳам унинг асарлари орқали феодализм қўлга кирита олган барча илмлар мундарижаси ва бойлиги, бу давр дунёқараши, маънавий ҳаётининг барча масалалари, ғоявий муаммолари билан тўла-тўқис таниша оламиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ибн Сино ижодида, меросида ўрта аср маданиятининг улкан ютуқлари билан бирга унинг барча зиддиятлари, чегараланганлиги, диний дунёқараш билан қоришиб кетганлиги, кўп масалаларда ожизлиги, соддалиги ҳам ўзининг ифодасини топди. У табиат ҳодисалари ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз ички қонуниятлари асосида ўзгаришга, тоғларнинг, денгизларнинг вужудга келиши, ер қимирлаши илоҳий қудрат туфайли эмас, ўз табиий сабаблари орқали вужудга келишига, инсон организмни бошқариш касаллик ёки саломатликка қандайдир ташқи кучларнинг хоҳиши ёрдамида эмас, инсоннинг ўз фаолияти, табиий муҳитнинг ўзгариши орқали эришиш мумкинлигини эътироф этади [4:87-бет]. Шу билан бирга у олий қудратга унинг энг буюк, билимдон, соф, доно куч эканлигига ишонди ва инсонлар ўз ҳаётида уни билишга, унга тақлид этиши, у каби руҳий софликка эришмоғи даркор, шундагина инсонлар олий идеал жамоага эришуви мумкин деб тушунади. Бунинг бирдан-бир йўли билим эгаллаш, ахлоқий поклик, яхшилик қилиш деб талқин этди. У калом тарафдорларини, диний фатализмни, жоҳилликни кескин танқид қилди, нариги дунё, инсоннинг ўлиmidан сўнг қайта тирилиши каби диний ақидаларни уйдирма деб билди, инсон ақлини, мантиқни диний ақидачиликка қарама-қарши қўйди, астрология, алкимёнинг даъвогарларини ғайри илмий деб инкор этди. Лекин, шу билан бирган, Қуръонга, унинг оятларига қатор шарҳлар ёзди, мазмунини реалликка яқинлаштиришга, инсоний томонларини аниқлашга ҳаракат қилди. Унинг дунёқараши, мероси, таржимаи ҳоли ўз замонасининг акс-садоси бўлди.

Зиддиятларга тўла, қарама-қарши мақсадларни кескин ғоявий кураш, ўзаро зид илмий мактабларнинг чексиз манзараси тўхтовсиз ҳарбий хуружлар, узлуксиз феодализмнинг ўзида жамланган давр тақдирини Ибн Сино тақдирида ўзига хос шаклларда акс этди.

Ибн Сино ўз билими, қобилияти туфайли йигитлик чоғидаёқ обрў-эътибор қозонди, шу туфайли яна қувғинда, қочоқликда юришга мажбур бўлди. У вазирлик мартабасини ҳам, қамоқхона азобини ҳам татиди. У шаҳардан-шаҳарга, саройдан-саройга кўчиб умр бўйи ўзига кўноқ, ўз илмий машғулотиغا имкон қидиришга, кўноқ топганда ҳокимларнинг раъйига қараб иш кўришга мажбур этилди [3:10-бет]. Зўр, тенги йўқ табиб сифатида донг қозонди, неча-неча одамларни дарддан фориғ этди, лекин ўз дардини даволашга вақт ва имкон топа олмади. У буюк истеъдод эгаси, зеҳни тез, мулоҳазаси чуқур, мантиғи зўр, фикри ўткир, хотираси ниҳоятда мустаҳкам, кўрган-билган, ўқиган нарсасини биринчи мартабадаёқ бир умрга эслаб қолиш ва шу хотира хазинасидан истаган пайтида истаганча фойдалана олишдек ажойиб қобилиятга эга эди.

Бунинг устига ниҳоятда кишини ҳайратда қолдирадиган даражада меҳнаткаш ва меҳнатсевар, илмга, мутолаага берилган, ўз билимини бошқаларга билдиришга тайёр турган, илмда сахий, мустаҳкам иродага эга бўлган, юқори дидли, ғурурли инсон, тарихдакам учрайдиган ажойиб шахслардан эди.

Унинг ички маънавий дунёсида, илк ўрта асри Шарқ жамияти маънавий оламининг энг илғор ғоялари мужассамлашган эди.

Лекин унинг дунёқарашида ҳам, маънавий ва интеллектуал интилишларида ҳам, бутун ҳаётида ҳам асосий куч илм-фан ривожига, инсонларнинг саломатлиги, маърифатли, бахт-саодатли бўлишига, инсоний муносабатларни яхшилашга хизмат қилиш бўлди. Ибн Сино меросининг асосий қиммат ва қудрати унинг кенг ва кучли гуманистик мазмунидир.

Ибн Сино билиш методининг асосий мазмуни мантиқ асосида, тажриба, кузатиш асосида билишнинг ақидачилик, кўр-кўрона ишонишдан устунлигини кўрсатиш бўлди. Ибн Сино инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий саломатлиги, инсон танаси ва руҳининг софлиги, инсоний қобилиятларнинг чексиз ривож, одамларнинг маърифатли, ўзаро иноқ, меҳрибон бўлиши, бир мақсад, маънавий раванг, илмни тараққий эттириш йўлида бирлашуви ҳақида ажойиб гуманистик фикрларни олға сурди [3:18-бет].

Ибн Сино дунёқарашининг шаклланишида Қадимги Юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту таълимотларининг таъсири катта бўлди. Ибн Сино фикрича, одам табиат ривожининг якуни бўлиб, ўз руҳий сифатлари билан ҳайвонот олаmidан фарқ қилади. Бироқ табиатдан пайдо бўлган одам ундан ажратилмайди. Унинг жони номоддий, самовий руҳдан келиб чиққан деса-да, Ибн Сино одамнинг пайдо бўлишини, бир томондан, табиат ривожини умумий

жараёнининг давоми, иккинчи томондан, мазкур узлуксиз эволюцияда сифат жиҳатидан янги босқич деб қарайди.

Ибн Сино одам табиатини таҳлил қилар экан, уни турли томондан: биологик, руҳий-физиологик, интеллектуал ва ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ёндашади. Ибн Синонинг одам ҳақидаги таълимотининг муҳим аҳамияти унинг одам табиатининг асосий хусусиятларини ҳар томонлама таҳлил қилишга интилишда яққол кўзга ташланади. Ибн Сино талқинида, одам – аввало ҳайвондир. Сезиш – одамга ҳам ҳайвонга ҳам хосдир. Шу билан бирга, одам – ақлга эга. Ана шу ақл билан руҳ одамнинг табиий ибтидоси ҳисобланади. Ибн Сино Афлотуннинг идеалистик концепциясини унинг реал борлиқ ёки “нарсалар олами” конкрет буюмлардан олдин содир бўлган “ғорлар дунёси”нинг сояси, инъикоси деб ҳисобловчи “ғоялар дунёси” ҳақидаги таълимотини рад этади. Ибн Синонинг қайд қилишича, нарсаларнинг идеал образлари олдин мавжуд бўлмай, балки улар киши сезги аъзоларига нарсаларнинг таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Ибн Сино асарларида кишининг руҳий қувватларига, уларнинг таснифига алоҳида эътибор берилади [4:90-бет]. У барча руҳий қувватларни иккига – ҳаракатланувчи ва билувчи қувватларга бўлади. Ҳаракатланувчи қувватларни Ибн Сино, ўз навбатида, ўсимлик, ҳайвоний ва кишига хос қувватларга, билиш қувватларини эса ҳайвоний ва инсоний қувватларга ажратади.

Руҳий қувватлар дейилганда, Ибн Сино ҳаракат қилиш қобилиятини англайди. Бутун тирик табиат эса, унинг таълимотича, ҳаракат қилиш қобилиятига эга. Билиш қувватлари дейилганда, тирик мавжудотларнинг ташқи буюмлари руҳда акс эттириш қобилияти тушунилади. Ташқи дунёни билиш, акс эттиришга ноқобил ўсимликлар мазкур гуруҳга киритилмайди.

Ибн Сино тана билан жон (руҳ) масаласида Афлотун таълимотидагина эмас, ўз замондошлари исмоилийларнинг қарашларига мос позицияда турди. Афлотуннинг ёзишича, мангу яшовчи жон танадан олдин мавжуд бўлиб, муайян пайтда унинг ичига кириб олади ва тана ҳалок бўлгандан кейин, ундан яна чиқиб кетади; жон киши танасига кирмасдан олдин, “ғоялар дунёси”да мавжудлик пайтида ҳақиқий билимга эга бўлади. Афлотуннинг “ғоялар дунёси”, “нарсалар дунёси” дан олдин мавжуд бўлиб, унинг мазмунини белгилайди ва киши билимининг манбаи ҳисобланади. Киши жони унинг танасига кириб жойлашиб олгач, у “ғоялар дунёси”да кўрган нарсаларини эслайди. “Ахир одам, - деб ёзган эди Афлотун, - ҳақиқатни ғоялар асосидагина тушуниши лозим. У кўплаб ҳиссий қабуллашлардан келиб чиққан бўлиб, мантикий фикрлаш йўли билан ягона нарсага бирлашади. Ана шу ягона нарса қачонлардир жонимизнинг

юқорида худо билан ёнма-ён юриб, кўрган нарсаларини эслашдан иборатдир”[6:127-бет]. Афлотун фикрича, одам ҳақиқатни билишни истаса, у барча жисмий, ҳиссий нарсалардан воз кечиб, кўзги кўр, кўлоғини қар қилиб, ўз-ўзини кузатишга берилиб, унинг мангу яшовчи жони “ғоялар дунёси”да илгари нималарни кузатган бўлса, шуларни “эслаш”га ҳаракат қилиши зарур; “эслаш”нинг асосий назарияси ана шулардан иборат.

Афлотуннинг билиш назариясининг асосий мақсади – ҳиссий билишни рад этишдан, у орқали сезгининг ягона манбаи бўлган объектив реалликни инкор этишдан иборатдир. Афлотуннинг “эслаш”, “анамнез” ҳақидаги таълимоти жоннинг танага, ташқи оламга мутлақ алоқасизлиги, унинг танага қадар мангу мавжудлиги ҳақидаги таълимотида ана шундай ғояларган қарши курашиб, уларнинг асоссизлигини кўрсатади ва Афлотуннинг билиш назариясини, унинг “хотирлаш” ҳақидаги таълимотини йўққа чиқаради. Бинобарин, Ибн Сино Афлотун таълимотидан мангу “ғоялар дунёси” тўғрисидаги асосий фикрнинг ғайри илмий эканлигини фош этди.

Афлотуннинг “ғоялар дунёси” тўғрисидаги умумфалсафий қарашларини қаттиқ танқид остига олган Арасту бундай фикрларга қарши чиқди. Арастунинг ўзи идеалистик қарашлар таъсиридан гарчи қутила олмаган бўлса-да, унинг идеализмига қараганда объектив, умумийроқдир. Шунинг учун Арасту ўзининг табиий фалсафасида материализмга кўпроқ яқинлашиб келди.

Ибн Сино жоннинг бир танадан бошқасига ўтиб кўчиб юриши мумкинлигини инкор этади ва киши жони (рух)ни қандайдир аниқ бўлмаган умумий илоҳий нарса сифатида эмас, балки тана каби индивидуал субстанциянинг сифати тарзида тушунади. Мана шундай ҳолдагина жон билан тана ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиши мумкин, чунки тана ҳолати жон ҳолатига ёки, аксинча, жон ҳолати тана ҳолатига таъсир кўрсатади. Жон, унингча, одам танасига нисбатан шаклдир, мана шу жон (шакл) билан тана (материя) қўшилиши натижасида пайдо бўлади, жон субстанцияси моддий эмас, бироқ у фақат танада яшаши мумкин. Жон, Ибн Сино кўрсатишича, ўлмайди, тана чириб йўқолиб кетади, аммо одам жони йўқолмайди, у мангуликка юз тутади ва ҳеч қачон қайтиб келмайди, қайтадан шаклланмайди; танани ташлаб чиққан жонлар гуё ҳаммаси бирлашади ва ҳаёт пайтида тўплаган нарсалари йўқолиб кетмай, мангу нарсаларга айланиб қолади.

ХУЛОСА

Ибн Синонинг фикрича: “Фаол ақлнинг фаолияти ақлли жонивор ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уни инсон эришуви мумкин бўлган сўнгги бахтга – олий даражага олиб чиқишга интилишдир. Бу – инсон фаол ақл даражасига

кўтарилади демакдир. Бу кўтарилиш инсон танадан ажралганда, у (билишнинг) пастки даражасига турувчи тана материя ва акциденцияга мухтож бўлмаганда юзага келади ва бу даражада мангу қолади”, - деб ёзган эди.

Ибн Сино ақл субстанциясини материя билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунади. Ибн Сино онг, инсон ақлининг моҳиятини тўғри тушунтириш олдида ожизлик қилди ва у ақлнинг келиб чиқишини космик ақл билан боғлади.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Абу Али ибн Сина. Трактат о любви. М.: 1989.
2. Абу Али ибн Сино. Ёруғланиш // Жаҳон адабиёти, 2017, №1.
3. Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Т., “Фан”, 1980.
4. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т., “Фан”, 1971.
5. Шеров А. Ахлоқшунослик. Т., “Янги аср авлоди”, 2003.
6. Платон. Сочинение., Т-V, М-Л., 1922.
7. Аристотель. Метафизика. М.Л., 1934.
8. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology” PJAEE, 17(7).
9. Омонов, Б. (2021). Значение религиозных ценностей в формировании культуры личной экологии. In Proceedings of Global Technovation 4th International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted from Paris, France February 27th.
10. Omonov, B. (2021). Problems And Consequences Of Water Deficiency In Central Asia. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(8).
11. Омонов, Б. Н. (2021). Выражение экологической культуры в религиозных ценностях. in современные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 301-303).
12. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 984-989.
13. Ochilova G.A. Yoshlar – Yangi O'zbekistonning ma'naviy elitasi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2__ISSUE_10.pdf) 1288-1294.
14. Omonov, B. (2015). The use of water resources in the center of environmental policy in the region. In The Fifth International Conference on History and Political Sciences (pp. 53-58).